

Қайси кун муқаддасроқ? | Сийрат дарслари (312-дарс)



19:00 / 27.12.2024 2507

555. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Киши ўз биродари совчилиги устига совчилик қилмайди ва ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмайди. Бир аёл аммасининг устига ва холасининг устига никоҳланмайди. Ҳеч бир аёл ўз сингисининг товоғини бўш қолдириб, ўзи никоҳланиб олиш учун унинг талоғини сўрамасин. Албатта, унга ҳам тақдир қилингани бўлур».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

556. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалолловчини ва ҳалоллатувчини лаънатладилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривоят қилишган.

557. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарни ирода қилсалар, хотинлари орасида қуръа ташлар эдилар. Қайси бирларининг қуръаси чиқса, ўшани ўзлари билан бирга олиб чиқар эдилар. Улардан ҳар бири учун хос кунини ва кечасини тақсим қилар эдилар. Фақат Савда бинт Замъа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг розиликларини истаб, ўз кунини Оиша розияллоҳу анҳога ҳадя қилган эди».

Бухорий ривоят қилган.

558. Амр ибн Аҳвас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга видолашув ҳажида ҳозир бўлган. Шунда у зот Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, эслатдилар ва ваъз қилдилар. Сўнгра: **«Қайси кун муқаддасроқ? Қайси кун муқаддасроқ? Қайси кун муқаддасроқ?»** дедилар. «Ҳажжи акбар куни, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди одамлар. Шунда у зот айтдилар: **«Албатта, қонларингиз, молларингиз, шаън-обрўларингиз сиз учун худди шу кунингиз, шу юртингиз, шу ойингиз ҳурмати каби муқаддасдир. Огоҳ бўлинг! Жинойтчининг жинойти ўзига: ота боласига, бола отасига жинойт қилмайди. Огоҳ бўлинг! Албатта, мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Мусулмон киши учун биродарининг у кўнгилдан чиқариб берганидан ташқари бирор нарсаси ҳалол бўлмайди. Огоҳ бўлинг! Жоҳилият рибосининг ҳаммаси бекордир, сизларга сармояларингиз (қолади), холос, (шунда) зулм ҳам қилмайсизлар, сизларга ҳам зулм қилинмайди. Лекин Аббос ибн Абдулмуттолибнинг рибосининг бари бекордир. Огоҳ бўлинг! Жоҳилиятдаги қонлар қиймати ҳам бекордир. Қонларимиздан биринчи бўлиб бекор қилинадигани Ҳорис ибн Абдулмуттолибнинг қонидир. (У) Бану Лайсга эмизиш учун берилган эди, уни Ҳузайл (қабиласи) ўлдирди. Огоҳ бўлинг! Аёлларга яхши муомала қилинлар, чунки улар қўл остингиздаги асиралардир. Сизлар улардан бундан бошқасига эгалик қила олмайсизлар. Фақат очиқ-ойдин итоатсизлик қилишса, уларни ётоқларда тарк этинг. Ва уларни жони ачимайдиган тарзда уринлар. Агар сизга итоат**

қилишса, уларга бошқа йўл ахтарманг. Огоҳ бўлинг! Аёлларингиз зиммасида сизларнинг ҳақларингиз, сизларнинг зиммангизда аёлларингизнинг ҳақлари бор. Аёлларингиз зиммасидаги сизларнинг ҳақларингизга келсак, булар - сиз ёмон кўрган кишига тўшакларингизни бостирмасликлар ва бундай (киши)нинг уйингизга киришига изн бермасликларидир. Огоҳ бўлинг! Сизнинг зиммангиздаги уларнинг ҳақлари эса таомлари ва кийимлари хусусида уларга яхшилик қилишингиздир».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.